# ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ БИФУРКАЦИОН АСОСИ

**Гулчеҳра Ғаффарова**
Чирчиқ давлат педагогика институти
Ижтимоий фанлар кафедраси профессор в.б.
gafforovagulchehra3@gmail.com

**Маҳбуба Абдуллаева**
Ўзбекистон Миллий университети бош илмий ходими, фалсафа фанлари доктори, профессор
ms.gaffarova_@inbox.ru

## АННОТАЦИЯ

Ҳозирги давр глобаллашган дунёда содир бўлаётган мураккаб, ночизиқ жараёнлар таҳлилини мазкур омилларни ҳисобга олмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас. Ушбу мақолада таркибий (структуравий) ўзгаришларнинг бифуркацион асоси, яъни тизимни функционал ва эволюцион йўналишларини танлаш муаммолари фалсафий таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** билим, ривожланиш, бифуркация, таълим, тасодиф, ўзгариш, таркибий ўзгаришлар, ёндашув, инсон, жамият.

# BIFURCATION-BASED STRUCTURAL CHANGES

**Gulchehra Gaffarova**
Chirchik State Pedagogical Institute
Department of Social Sciences, Professor
gafforovagulchehra3@gmail.com

**Mahbuba Abdullaeva**
National University of Uzbekistan, Doctor of Philosophy, Professor
ms.gaffarova_@inbox.ru

## ABSTRACT

Analysis of complex nonlinear processes occurring in the modern globalized world is impossible without taking these factors into account. The article provides a philosophical analysis of the bifurcation basis of structural changes, i.e. the problems of choosing the functional and evolutionary directions of the system.

**Keywords:** knowledge, development, bifurcation, education, coincidence, change, structural change, approach, person, society.

## КИРИШ

Биз беқарор дунёда яшаймиз. Албатта, XX ва XXI асрлар оралиғи инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳалари, иқтисод, сиёсат, маданиятда глобал ўзгаришлар билан тавсифланади. Дарҳақиқат, жамият ва ижтимоий-табиий муносабатларда турли ўзгаришлар ва мураккабликлар ортиб бормоқда. Янги воқелик янги муаммоларни туғдиради. Тез ўзгариб бораётган ҳозирги давр цивилизация олдига қатор муаммоларни қўймоқда. Бу глобализация жараёнлари нафақат иқтисодий, сиёсий, маданий жараёнлар бўлиб, балки жамият қадриятлари, инсон ҳаёти ва фаолиятининг дунёқараш, инсонпарварликка оид, методологик мўлжалларига даҳлдор. Янги давлатлараро, шахслараро муносабатлар, ахлоқий тамойиллар шаклланмоқда.

Ижтимоий, сиёсий, экологик, илмий ўзгаришларнинг тез суръати бир бутунликда алоҳида шахслар онгида, ижтимоий онгда, маданиятда бир қатор ноаниқликлар, замонавий олам жараёнлари ҳақида тартибсиз тасаввурлар туғдирмоқда.

Юқорида айтилган жараёнларда ҳамда ҳар қандай юзага келган вазиятда инсон камида икки ёки бир нечта мумкин бўлган ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. Бундай бифуркация нуқталарида инсон ва жамият аҳамияти ортади, улар томонидан қабул қилинган қарорлар ва уларнинг ҳаракатлари бўйсундириш функциясини бажаради, яъни улар барқарор ривожланиш учун шарт-шароит яратишда ўзаро таъсирлар, ўзаро боғланишлар турларини белгилаб беради.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ.

Зиддиятли, ноаниқ, кризисли ҳолатларга (молиявий-иқтисодий, экологик, анъанавий фаннинг кризиси) тўла тез ўзгарувчан ҳозирги замон оламини англашда фалсафа алоҳида рол ўйнайди, уларни ҳал қилиш мумкин бўлган йўлларини, цивилизациянинг кейинги ривожланишини таҳлил қилади. Мақолани тайёрлашда синергетик, тизимли методлардан фойдаланилди.

## НАТИЖАЛАР

XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошлари юзага келган вазиятдан чиқиш кўплаб кескин бурилишлар, қарама-қаршиликлар, ривожланишнинг беқарорлиги билан тавсифланади. Худди шу йўсинда молиявий-иқтисодий кризис ва коронавирус пандемияси олдиндан илмий башорат қилинмаган.

Инсоният янги бифуркацияга чиқди. Шу ўринда айтиш керакки, бифуркация (лот. bifurcus – иккиланган, бўлинган) «тизимни функционал ва

эволюцион йўналишларни танлаш ҳолатини ифодалайди” [5, 18]. Дарҳақиқат, бифуркация ҳолати системани мувозанатли ҳолатдан хаосга ўтиш жараёнида пайдо бўлади. Бифуркация нуқтасида турли аттракторлар йўналиши танланади. Шунингдек, “бифуркация нуқтаси тизим мувозанатсиз ҳолатда бўлиб, кичкина флуктуация ёки тасодиф тизимни ривожланиш йўналишини ўзгартиради” [2, 264]. Албатта, бифуркация фазасида тизим флуктуацияларга қарши туролмайди, ноаниқ вазият юзага келади, унда ривожланишнинг мумкин бўлган йўллари мужассамланган.

Бифуркация нуқталарида тасодиф белгиловчи, ҳал қилувчи рол ўйнайди. «Тасодиф, эркинликнинг бифуркация нуқтасидаги роли фақатгина буюк бўлмасдан, балки фундаменталдир. Бундан ташқари, ривожланишнинг бифуркация фазасида тизимнинг трансформацияси натижасини амалда олдиндан айтиб бўлмайди»[7, 10]. Шу сабабли ҳам ҳозирги давр глобаллашган дунёда содир бўлаётган мураккаб, ночизиқ жараёнлар таҳлилини мазкур омилларни ҳисобга олмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас.

## МУҲОКАМА

XX аср охири ва XXI асрнинг бошлари кескин ўзгаришлар, қарши туришлар, беқарорлик билан тавсифланади, инсоният ривожланиши янги бифуркация нуқтасига келди. Бифуркация фазасида тизим флуктуацияларга қарши туролмайди, ноаниқ вазият юзага келади, унда ривожланишнинг мумкин бўлган йўллари мужассамланган. Бифуркация нуқталарида тасодиф белгиловчи, ҳал қилувчи рол ўйнайди. «Тасодиф, эркинликнинг бифуркация нуқтасидаги роли фақатгина буюк бўлмасдан, балки фундаменталдир. Бундан ташқари, ривожланишнинг бифуркация фазасида тизимнинг трансформацияси натижасини амалда олдиндан айтиб бўлмайди».

Тасодиф бир қатор сабабий боғланишларнинг кесишиши натижасида пайдо бўлади. Ҳозирги давр глобаллашган дунёда содир бўлаётган мураккаб, ночизиқ жараёнлар таҳлилини мазкур омилларни хисобга олмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас.

Детерминацияланган ҳодисаларнинг кесишиши натижасида бирон олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган майл (тенденция) юзага келади, у, аввало, мураккаб ўзини-ўзи ташкил қилувчи тизимларга хос. Натижада тасодиф ривожланиш кечишини ўзгартирувчи мустақиллик мавқеига эга бўлади ва шу боис унинг конструктив роли қарор топади. Ноаник ва қайтарилмас ижтимоий жараёнларда тасодиф инсон ҳаракатларининг эркинлиги омили ва янгининг пайдо бўлиши шарти сифатида намоён бўлади.

Бифуркация нуқталарида инсон ва жамият аҳамияти ортади, улар томонидан қабул қилинган қарорлар ва уларнинг ҳаракатлари бўйсундириш функциясини бажаради, яъни улар барқарор ривожланиш учун шарт-шароит яратишда ўзаро таъсирлар, ўзаро боғланишлар турларини белгилаб беради. Беқарорлик, ташкилланмаганлик, тартибсизлик шароитидан чиқиб кетиш учун қабул қилинган қарорлар ва амалга оширилган ҳаракатлар натижасида барқарорлик учун шарт-шароитлар яратилади. Қабул қилинган қарорнинг барча шартларига риоя қилинганда, юзага келган зиддиятлар, бирикмаган ҳоллар бартараф қилинганда тизим секин-аста барқарор ривожланиш ҳолатига киради.

Муайян таркибий ўзгаришлар шароитида ечим танлашда ва унинг истиқболдаги ривожланишини белгилашда шахс, давлат роли ҳақиқатан катта. Инсоният ривожланиши тарихидан мазкур тезисни тасдиқловчи кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Шу билан бирга режалаштирилаётган ўзгаришлар халқ, жамиятга тушунтирилиши, улар томонидан қабул қилиниши ва англанилиши керак. Таркибий ўзгаришлар тизими жамиятнинг моддий манфаатлари, маданий, қадриятларга оид, ахлоқий тамойилларига мос келиши керак. «Агар улар (одамлар) ўзлари катта рол ўйнаши керак бўлган жараён табиатини тушуниб етсалар, ушбу жараённи бошқариш бўйича катта имкониятлар очилади. Улар турмуш тарзини яратиши, хулқ-атворнинг алтернатив кўринишларини ишлаб чиқиши, мақсадга мувофиқ инновациялар киритиши, самарадор, атроф муҳит эҳтиёжини ҳисобга олувчи, ижтимоий ва сиёсий ҳаракатлар яратишлари мумкин».

Бифуркация нуқтасида тизим мумкин бўлган ривожланиш йўлларидан бирини “танлайди”, у барқарор ривожланишни ўрнатиш учун тегишли таркибий ўзгаришларни таъминлаши керак. Бироқ шуни таъкидлаб ўтиш керакки, тизимнинг янги ҳолатга ўтиши билан боғлиқ бирон ечим қабул қилиниши «мазкур янги ҳолат оптимал бўлишини бутунлай кафолатламайди. Ҳар бир мумкин бўлган ечимнинг афзалликлари ва камчиликлари қолган ечимлар афзалликлари ва камчиликлари билан бараварлаштирилади».

Тизимнинг таркибий ўзгаришлари шахс, жамият методологик, дунёқарашга оид қарашларининг ўзгаришига олиб келади. Буни Ўзбекистонга ҳам даҳлдор бўлган молиявий иқтисодий кризис ва ҳозирда коронавирус пандемияси мисолида кўришимиз мумкин. Президент Ш.М. Мирзиёев бошчилигида коронавирус пандемияси салбий таъсирларининг республика барқарор ривожланишига таъсирини бартараф қилишга бўйича қабул қилинган қарорлар халқимиз манфаатларига мос келади ва мамлакатнинг истиқболда ривожланиши учун тегишли шарт-шароитлар яратади.

Маълумки, ҳозирги замонда билим – ривожланишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Ҳар қандай билим қадрият, товар, маҳсулот ҳисобланади. Дунёқарашга оид, методологик установкаларга боғлиқ равишда билимдан турли бир-бирига қарама-қарши мақсадларда фойдаланиш мумкин. Ва шунинг учун билим энг муҳим рол ўйнаган инсон капитали тизими фан ривожланишининг замонавий даражасига мос инвестициялар билан бойитилиши керак. Лекин шу билан бирга билимнинг рўёбга чиқиши муайян ахлоқ, менталлик, маданиятга эга ҳаракат қилувчи субъектга боғлиқ.

Билим, инновацион ғояларнинг амалга ошиши икки муҳим омилга: билимнинг фойдалилигига (тегишли фанлар нуқтаи назаридан) ҳам, шунингдек бир қарашда моддий дивидентлар бермайдиган билимнинг гуманитар деб аталмиш таркибий қисмларига ҳам боғлиқ. Классик фан, ядро физикаси тажриба-синов кузатишлари инсонга кузатувчи сифатида намоён бўлиш имконини берган бўлса, биология фанининг ривожланиши бошқа шарт-шароитлар ва имкониятлар яратади. Масалан, «молекуляр биология кўринишидаги замонавий фан инсон учун муқаддас бўлган - ҳаётини тартибга солишга тўғридан-тўғри бостириб кираётгани – шубҳа туғдирмайдиган далил. Демак, фан сифат жиҳатдан янги, номаълум ахлоқий ўлчовга эга бўлган».

Тадқиқотчи қандай ахлоқий, инсонпарвар тамойилларга амал қилиши керак? Афтидан, айнан гуманитар фанлар, айниқса, фалсафа ёшлар дунёқарашини, ахлоқий нуқтаи назарини шакллантиради. Бу айниқса глобал ўзгаришлар даврида, янги дунёқараш, методологик тамойиллар шаклланган даврда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун таълим жараёнида билимнинг ижтимоий аҳамиятига, унинг ахлоқий аҳамиятига алоҳида эътибор берилиши лозим, чунки улар цивилизациянинг тараққий этиши, гуманистик ривожланишининг асосини ташкил қилади.

Таълим жараёнида олинадиган билимлар воқеликка мос келиши керак. Шунинг учун «таълим тизимининг тубдан ислоҳ қилинишини талаб қилувчи тафаккур ислоҳотининг зарурияти ҳақидаги ғоя… долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган тарзда турмоқда, мураккаб тафаккур инсоният учун тобора ҳаётий заруриятга айланиб бормоқда».

Таълимни ислоҳ қилиш - бутун жаҳон учун кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Дунёнинг кўп мамлакатларида шахс ижодий қобилиятларини ривожлантириш бўйича корпоратив тренинглар ва семинарлар шаклланмоқда. Инсоннинг шахс сифатида ривожланиши, унинг ижодий ва креатив қобилиятларини ривожлантириш инсониятнинг ҳаёт ва фаолиятининг барча

соҳаларини қамраб бораётган глобаллашув, пандемия, кризислар даврида янада долзарблик касб этади.

Креатив қобилиятларни ривожлантириш ҳозирги замон дунёсида кечаётган ўзгаришларга инсоннинг муайян даражада мослашувчи, адекват жавобидир. Маълумки, креативлик бу – инсоннинг тафаккурга ҳос стереотип усуллардан воз кечиш, ғайри оддий ғояларни илгари суриш, оригинал ечимлар топиш қобилияти ҳисобланади. Креативликни ривожлантириш узоқ муддатли, узлуксиз жараёнда амалга ошади, унинг энг муҳим босқичи – билим эгаллаш давридир. У инсонга янги билимлар орттириш, анъанавий муаммоларни янгича тушуниш ва тегишли қарорлар қабул қилиш имкониятини беради.

Таълим муаммоси ҳозирги даврнинг энг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Таълим тизими оламни физик реаллик, тирик олам ҳамда инсон фаолияти соҳасидан иборат деб ҳисоблайди (Э. Ласло), шу билан бирга асосий билимлар 12-18 ой давомида эскириб боради, шу билан бирга таълим тизими оламни билишда турли ёндашувларга асосланади. Дисциплинар ёндашув оламни уч қисмга бўлишга мувофиқ шаклланган, у воқеликни яхлитликда, бир бутунликда эмас, балки унинг алоҳида, бир-бири билан боғланмаган қисмларини ўрганади, яъни бутунни эмас, балки қисмларни ўрганади, оқибатда фанлар ихтисослашади. Ҳар бир фан оламнинг алоҳида қисмини, мазкур фанга хос бўлган методологик ёндашувларга асосланган ҳолда, ўрганади.

Фанлараро ёндашув эса мутахассисларнинг дунёқараши ва методологик билимларини кенгайтиради, чунки улар тадқиқот давомида икки ёки бир нечта фанлар усулларидан фойдаланади. Мазкур ёндашув оламни кўришнинг янги уфқларини ва унинг янги имкониятларини очиб беради. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, фанлараро ёндашув баъзи ҳолларда Қадимги Юнон тадқиқотларида, Марказий Осиё мутафаккирлари (Беруний, Ибн Сино ва бошқалар) тадқиқотларида ҳам қўлланилган.

## ХУЛОСА

Дарҳақиқат, фанлараро тадқиқотлар танланган умумий муаммо бўйича тадқиқот олиб бораётган мутахассисларнинг илмий дунёқарашга тегишли ва методологик билимларини кенгайтиради. Муаммони ҳал қилишда унинг натижалари ва оқибатларига нисбатан ахлоқий масъулиятни кучайтиради. Шу билан бирга таълим жараёнида олинадиган билимлар воқеликка мос келиши керак. Шунинг учун «таълим тизимининг тубдан ислоҳ қилинишини талаб қилувчи тафаккур ислоҳотининг зарурияти ҳақидаги ғоя долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган тарзда турмоқда, мураккаб тафаккур инсоният учун тобора ҳаётий

заруриятга айланиб бормоқда»[8, 28]. Албатта, таълимни ислоҳ қилиш - бутун жаҳон учун кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Фанлараро ёндашувларга асосланган тадқиқотлар кетидан янада юқори поғонада турган трансдисциплинар ёндашув келади. Унга асосланган тадқиқотлар оламни холистик тарзда кўришни ривожлантириш имконини берувчи дунёқарашга оид ва методологик ёндашувлардан фойдаланган ҳолда, глобал тизим ичидаги муносабатларни ўрганиши керак. Глобал ўзгаришлар даврида таълим олдида турган баъзи вазифалар ана шулардан иборат.

## REFERENCES

1. Абдуллаева М., Гаффарова Г. (2020). Структурные преобразования – новые возможности развития. “Ўзбекистон ва Марказий Осиё: XXI аср ижтимоий-гуманитар фанлари долзарб муаммолари, интеграция ва истиқбол тенденциялари” халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, – Б.264-268.
2. Замонавий фалсафий атамаларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: «Университет», 2018. – 84 б.
3. Ласло Э. Век бифуркации, постижение изменяющегося мира // Путь, 1995. №1, -С.3-129. https://gtmarket.ru/laboratory/basis/4545
4. Лысок И.В. Общество как саморазвивающаяся система. – Таганрог, 2008. – С.10.
5. Морен Э. Метод. Природа природы. – М., 2005. –С.28.
6. Садовничий В.А. Знание и мудрость в глобализирующемся мире // Вопросы философии. – Москва, 2006. - №2. -С.8-9.
7. Хакен Г. Тайны природы. Синергетика: учение о взаимодействии. – Москва-Ижевск, 2003. –С.217.
8. Gaffarova, G.G. (2019), Problems self-organization: philosophical analysis // Scientific Bulletin of Namangan State University. –Т.1. –№5, - С.185-190.
9. Gaffarova, G.G. (2020), Structural transformations as a faktor new development opportunities // Scientific Bulletin of Namangan State University. –Т.1. –№10, - С.185-190.
10. Gaffarova, G.G. (2020). Strategy of activity and systematical approach. nternational Journal of Psyshosial Rehabilition. London, United Kingdom, Volume-24, Issue-5, May. - Pp.6645-6651.
11. Gafforova, G. G., Khaitmetov, R. K., & Madalimov, T. A. (2020). A STRATEGY OF ACTION AS A COMPLEX SYSTEM. International Scientific Journal Theoretical & Applied Science, 90(10), 448-452.